



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 21 январь, чоршанба

№6 (11.601)

Эркин нархда сотилади

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19-20 январь кунлари расмий ташриф билан Кувайт давлатида бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига анча бўлган. Лекин Ўзбекистон ва Кувайт амалий ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келди. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида, халқаро сиёсий жараёнларга баҳо бериш ва ёндашувларда томонларнинг қарашлари уйғун. Аммо, Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодий соҳада шу чوққача имкониятлар тўла ишга солинмади. Шу боис

икки мамлакат салоҳиятини ўзаро муносабатлар ривож томон йўналтириш, амалий ҳамкорлик учун қўлай шaroит яратиш ташрифдан кўзланган асосий мақсад сифатида эътироф этилди.

Ал-Кувайтда Президент Ислам Каримов Кувайт давлати Амири шайх Жобир ал-Ахмад ал-Жобир ас-Сабох билан учрашди. Музокарада икки томонлама алоқаларнинг истиқболи муҳокама этилди. Мазкур ташриф Ўзбекистон ва Кувайтда ҳамкорлиқни юқори

поғоналарга кўтариш учун катта иштиёқ ва интилиш мавжуд эканлигини тасдиқлаш таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайт Бош вазири шайх Сабох ал-Ахмад ал-Жобир ас-Сабох билан аввал яқинлашган, сўнг расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказди. Учрашувларда ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Ҳукуматларaro қўшма комиссия тузиш ва ёз ойларида Тошкентда унинг илк мажлисини ўтказишга келишилди. Мезбонлар Ўзбекистон ал-Кувайтда элчихона очилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистон транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, энергетика, сув таъминоти каби соҳаларда Кувайт билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Ушбу мамлакат улкан сармоявий салоҳиятга эга, энергия ва сувдан тежамли фойдаланишда катта тажриба орттирган. Ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйишдан ҳам икки томон бирдек манфаатдор.

Трансафгон йўли қурилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўл минтақада вазиятни барқарорлаштириш баробарида, кўпгина давлатларни, жумладан, Ўзбекистон ва Кувайтни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Музокара йўлида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлати ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва химоялаш, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, ҳаво алоқаси борасидаги, шунингдек, террорчилик, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Дастлабки тўрт битим давлат ва ҳукуматлар даражасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга кенг йўл очади. Террорчилик, контрабанда ва уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлик ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан тузилган меморандумда эса, Ўзбекистондаги 9 лойиҳани молиялаштириш учун ушбу муассаса томонидан 215 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилади. Бу лойиҳалар сув ва энергия таъминоти, ирригация, қурилиш соҳаларида йўналтирилган.

Мазкур жамғарма шу вақтгача Ўзбекистондаги икки лойиҳада жами 38,8 миллион АҚШ доллари тенг маблағ билан қатнашган эди. Янги келишув ташрифнинг самарали кенгашига яна бир далилдир.

Шу билан Президент Ислам Каримовнинг Кувайт давлатига сафари яқунланди. Кувайт Бош вазири бу ташриф хайрли ибтидо эканлигини таъкидлаб, келгусида ҳамкорлик муваффақияти билан ривожланишига умид билдирди. Ислам Каримов бу истакни маъқуллади.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги илк учрашув юқори баҳо олган экан, муносабатларимиз истиқболга ишонч билан қараш мумкин. Бунинг учун барча асослар бор.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Ал-Кувайт — Тошкент.
СУРАТДА: хайрлашув пайти.

фий, Савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Саъд Али ан-Ноҳиз билан ҳам учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайтнинг Ҳарбий асирлар ва бедарак йўқолганлар масалалари бўйича миллий қўмитаси фаолияти билан танишди. Ноҳадан Ироқ қамқоналарида сақланган, Садам Хусайн армияси таъвоуларидан жабр кўрган қувайтликлар хотирасига атаб таъсис этилган ушбу ташкилотнинг фахрий меҳмонлар китобида ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

Яқинда Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари" китоби араб тилида нашр этилган эди. Ташриф арафасида ал-Кувайтда бу китобнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу воқеа Кувайтда Ўзбекистондаги ўзгаришларга қизиқиш кучли эканлигидан далolatдир.

Шу билан Президент Ислам Каримовнинг Кувайт давлатига сафари яқунланди. Кувайт Бош вазири бу ташриф хайрли ибтидо эканлигини таъкидлаб, келгусида ҳамкорлик муваффақияти билан ривожланишига умид билдирди. Ислам Каримов бу истакни маъқуллади.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги илк учрашув юқори баҳо олган экан, муносабатларимиз истиқболга ишонч билан қараш мумкин. Бунинг учун барча асослар бор.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Ал-Кувайт — Тошкент.
СУРАТДА: хайрлашув пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ
(ЎЗА) олган сурат.

Вилоят ҳаёти

ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

«Маҳалла» жамғармасининг Янгийўл туман бўлимида янги сайланган оқсоқолларнинг кенгаши бўлиб ўтди.

«Қандай қилсак, маҳаллаларимиз обод бўлади?», «Одамлар турмушини қулайлаштириш, коммунал хизматни яхшилаш учун нима қилмоқ керак?». Тумандаги 65 та маҳалла оқсоқоллари шу сингари саволларга баҳамжihat жавоб излаб, ўтган сайловларда аҳоли

томонидан қўйилган талаблар ва берилган топшириқларни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқишди. Асосий эътибор кам таъминланган хонадонлар турмуш даражасини кўтаришга қаратилиши белгилаб қўйилди.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

Зангиота туман Маданият уйи қошида Музаффар Мирмаҳмудов раҳбарлигидаги мақомчилар гуруҳи янги йилнинг дастлабки кунларини янги концерт дастурини намойиш қилиш билан бошлади.

Ун тўрт ёшдан олтиш икки ёшгача бўлган ҳаваскор ижрочилар мумтоз қўшиқларни маромига етказиб ижро этишмоқда. Дастурнинг миллий фольклор аъёнларини ўз ичига олган қисми томошабинларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотаётди.

Ўз мухбиримиз.

ЭЛЧИХОНА СОВФАЛАРИ

Қибрайдаги вилоят болалар уйи тарбияланувчилари ҳузурида Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари меҳмон бўлишди.

Мезбонлар томонидан тайёрланган музика, бадий томошалар, миллий кадриятларимиз акс этган сахна кўринишлари барчага манзур бўлди. Тадбир нихосида Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ким

Санг Хван «Самсунг», «Сирова Боу», «Боу Ко ЛТД» қўшма корхоналари томонидан тақдим этилган компьютер, рангли телевизор, ногиронлар аравачиси ва бошқа совғаларни болалар уйига топширди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.


Хушхабар

РУСТАМ ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Биз «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 3 январь сониди чирчиқлик маҳорати боксчимиз, Сидней олимпиадаси совриндори Рустам Саидова унинг бу йилги мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирокига ишонч билдирганимиз.


Мана, у кўп миллионли мухлисларнинг ишончини оқлаб, Филиппин пойтахти — Манилада бўлиб ўтган Осиё чемпионатида зафар қозониб, жорий йилда Афинада ўтказиладиган ёзи олимпиада ўйинлари йўлнамасини қўлга киритди. Биз вилоят фахри бўлган спортчимиз Рустам Саидов ва барча спортчиларимизга халқаро майдонлардаги бахсларда бундандала улкан зафарлар тилаймиз.

СУРАТДА: 2004 йилги Осиё чемпиони Рустам Саидов.



ДЕНГИЗГА САЁҲАТ

Тошкентдан етмиш чақиримча нари, Бўстонлик тоғлари орасида суви мил-миллаб ўйноқлаб турадиган денгиз бор. Унинг қирғоғида ўзбек адилларининг «Ёзуви» дала-



боғ ширкати жойлашган. Бу ернинг таърифи ўзимиздан ўтиб, чет эллик ҳамкасбларимиз қанамига ҳам тушган. Кореядан тортиб Хиндистон, Покистон матбуоти саҳифаларида «Қовун дарахти-ю, жаннат мевалари ўсадиган жой» деган сарлавҳали мақолалар босилган.

Буни эшитган Фарғона водийси ўрмон хўжалиги раҳбарлари бошқаруви раиси қўконлик эски танишим Мансурхўжа Хўжаев мени хар кўрганда, «Уша хўжалигининг бир меҳмон бўлиб борамиз» деяверарди-ю, ташрифдан дарак йўқ эди.

(Давоми 4-бетда).

СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида аграр соҳа раҳбарларининг семинар-мунозараси давом этмоқда. Семинарнинг иккинчи кунин Олий Мажлис Раиси Э.Ҳалиловнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қиртилган қўшимча ва ўзгаришлар ҳамда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қурилиши масалаларига бағишланган маърузаси тингланди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ислохотларнинг бош стратегияси — бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақам пойдеворини шакллантириш таъминлари изчиллик билан амалга оширилаётгани таъкидланди. Жамиятнинг барча соҳаларини эркинлашти-

риш жараёнларининг қўнуни асосини янада тақомиллаштириш бўйича талай ишлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократиялаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг манфаатларини химоялашда зарур қафолатларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳ-

бари иккинчи чақирим Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қайд этганидек, жамиятимизни демократиялаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги саёҳатларнинг сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтариш ва бу борадаги ишларни қатъийат билан давом эттириш бўғунининг долзарб вазифасидир. Қонун устуворлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг демократиялашув, давлат бошқаруви идоралари вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш таъминланмоқда.

Конституциямизга қиртилган қўшимча ва ўзгаришлар демократик-ҳуқуқий

жамият барпо этиш жараёнларини янада тезлаштиришга хизмат қилади.

Машғулотда Марказий сайлов комиссияси раиси А.Аҳадовнинг икки палатали парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидовнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари ҳақидаги маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ПЕКИНДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Пекинда бир гуруҳ етакчи хитойлик олимлар ёзган ва ХХР Ижтимоий Фанлар академияси томонидан нашр қилинган «Ўзбекистон» номи китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институтини муаллифлар гуруҳи томонидан хитой тилида тайёрланган мазкур нашр биринчи марта тўлалигича МДХнинг алоҳида давлатига бағишланган. Китобда ўзбек халқининг тарихи ва маданияти, мамлакатимиз табиий-ҳомаш ресурслари, мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг таърих ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари ҳақидаги маърузалари жамланган.

Тақдимот маросимида Хитой расмий, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари намояндлари, дипломатик корпус вакиллари ҳузурида ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Хуэй сўзга чиқди. У Хитой раҳбарияти ўз минтақасида марказий ўринни эгаллаб турган Ўзбекистон билан яхши қўнчилиқ ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганини алоҳида қайд этди.

ХХР Ижтимоий Фанлар академияси бош котиби Чжу Цзиньчань ўз сўзида ўзбек модели тинчлик, барқарорлик ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишда бетақдор намуна бўлганлигига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, янги китоб хитойлик китобхонларни Ўзбекистонда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан етарлича хабардор қилади ҳамда мамлакатимизни янада чуқурроқ ўрганишни давом эттиришда яхши асос бўлади.

Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институтини директори Син Гуанчэн ҳамкасби фикрини қўллаб қувватлади. У мамлакатимиз ўзининг бой тарихига монанд тарзда сўнгги ўн икки йил давомида улкан муваффақиятларга эришганини айтди экан, «Ўзбекистонни ўрганиш ва ағлаш учун битта китоб етмайди», деди.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири С. Сафоев иштирок этди ва сўзга чиқди.

«Жаҳон» АА.

Қарор ва ижро

ҒАЛЛАЗОР ЯЙЛОВ ЭМАС

Қишлоқда яшаб, мол-ҳол парвариши билан шуғулланиш халқимизнинг азалий одати. Мол бор хонадонда қут-баракча бор. Оилаларда чорва моллари



қанча кўп бўлса шунча яхши. Чунки бу фаровонлик манбаи, тўқин-сочинлик омили. Зеро, моли тўқнинг кўнгли тўқ, деган доно нақл бежиз айтилмаган.

Лекин, афсуски, ушбу нақлнинг асл мазмун-моҳиятини тўғри тушунайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бундай тоифа кишилар кейинги пайтларда хонадонлардаги бор молларининг ҳаммасини эрталабданроқ ҳеч қандай назоратсиз далага ҳайдаб қўйишни одат қилмоқдалар. Натижада бебошбоғ юрган бундай «эгасиз» моллар подаси эртдан кечгача хўжалиқларнинг ғаллазорлари, боғ ва бошқа экинзорларни пайҳон қилиб, катта моддий зарар етказмоқда.

(Давоми 2-бетда).


ИНСОНПАРВАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони кечиримлилик ва мурувватлилик тамойилининг яна бир ифодаси бўлди



Маъмурхоннинг одобу ҳуқлига ҳаманинг ҳаваси келарди. Яхши ўқир, ҳатто бир неча олимпиадаларда муваффақиятли қатнашган эди. 1999 йили Бухордан умумтаълим дастабини тугатган, ота-онасининг муносилиб, Тошкентга йўл олди. У яхши ниятлар билан молия институтига ҳужжатларини топширди. Ҳам омад, ҳам устозларидан олган билими кўл келиб, талаба бўлди. Ўқишлари бир меъёрга давом этди. Институтда ҳам устозлари тилига тушиб улгурди.

(Давоми 3-бетда).



ҲИНДИСТОН КЎРГАЗИ

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Хиндистон экспорт федерацияси ва республика Тошкент иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамкорлигида «Сотуви-харидор» учрашуви ўтказилди.

Мазкур тадбирда Хиндистоннинг 17та етакчи компаниялари иштирок этди. Улар электроника, тўқимачилик, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш маҳсулотлари, ветеринария дорилари, автомобиллар эҳтиёт қисмлари, сут ва озиқ-овқат маҳсулотлари, усуну ва жижозлар, ахборот, компьютер технологияси маҳсулотлари ва дастурлари, консалтинг хизматлари, қурилиш ва табиий бойликларни казиб чиқариш усунуналари тайёрлашга иштирок этаётган компаниялардир.

Учрашув доирасида Хиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси ва Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасида аниқлашув меморандуми имзоланди.

«Туркистон-пресс».

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

«Пойтахт» меҳмонхонасида глобал ўзгаришлар, барқарор ривожланиш ва Марказий Осиёда атроф-муҳит муҳофазасини бошқариш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Тадбир Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастурининг Атроф-муҳит дастури ҳамда Глобал ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил қилиш халқаро маркази (СТАРТ) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Марказий Осиё тўрт миллион квадрат километр майдонни эгаллайди. Бутун дунёдаги каби табиий ва географик шароити турлича бўлган мазкур минтақада ҳам инсон фаолияти таъсирида иқлим ва экотизим ўзгариши кузатилади. Сув тақчиллиги, обихоёт захираларининг ифлосланиши, ундан оқилона фойдаланмаслик минтақадаги табиий мувозанатга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Уч кун давом этаётган анжуманда иқлим ўзгаришининг олдини олиш, ер ва сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш, биохимикликни сақлаш борасидаги вазифалар ҳусусида маърузалар тингланиб, бу борадаги ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинди.

Ў.А.

Миллий истиқлол ғояси

Миллий истиқлол ғояси учун азиз жонларини ҳам аямалдиган маънавий баркамол инсонларнинг нави-рон авлодини тарбиялаш — Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош йўналишидир.

Бизлар киммиз? Кимларнинг авлодимиз? Бугунги мақсадимиз нима? Биз орзу қилаётган, интилаётган, ўз қўлимиз билан барпо этаётган фаровон ҳаётга шу каби саволлар жавобини чуқур англаган ҳолдагина етиш мумкин. Миллий истиқлол ғояси халқнинг, миллатнинг онги ва тафаккурига сингдирилиб, одамларда ор-номус, миллий гурурни тарбиялагандан кейингина биз ўз мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

Бу — нихоятда мураккаб ва серқирра жараён. Уни амалга ошириш борасида кўп иш қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойишини бажариш йўлида муайян натижаларга эришилди. Аввало, бошланғич синф-

ларга мўлжалланган «Одобнома» фанига асосий тушунчалар сингдирилиб, янги дарсликлар нашр қилинди. «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва

маънавий асослари» фанлари 5-9-синфларда янги дарсликлар асосида ўқити-

ла бошланди. Ҳозирги пайтда виллоятимиздаги 897 та умумтаълим мактабиде 1083 ўқитувчи болаларга «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари» фанларидан сабоқ бераётди. Уларни қайта тайёрларликдан ўтказиб, бу фанларни ўқитишни за-

монавий таълим технологиялари асосида ташкил этиш кўнималари билан қуроллантириш борасида бир мунча изчил иш олиб борилаётди.

Ўрта махсус ва касб-хуна-р таълими тизимига «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани киритилиши ўсмирлар тарбиясида му-

Виллоятимиздаги мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юрларида шу соҳа ўқитувчиларини танлаш ва қайта тайёрлаш, дарсларни ташкил этиш, ўқитиш жараёнларида таълимнинг янги-янги техника воситаларидан фойдаланиш борасида муайян тажриба ҳам тўпланди.

Тошкент туманидаги 9-

тахлил қилмаётирлар. Бу эса баъзи ибратли тажрибалар умумлаштирилиб, омалаштирилишига, мавжуд нуқсонларни бартараф этишга қаратилган зарур услубий ҳулосалар чиқарилишига тўғнақ бўлиб турибди. Виллоят, шаҳар ва туманлардаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича услубий комиссиялари ишини тубдан жонлантириш, дарс жараёнларида таълимнинг фаол усуллари ва илғор педагогик технологияларни, компьютер ва бошқа воситаларни жорий этиш машғулотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Мактаблар, лицей ва коллежлар, ўрта-махсус ва олий ўқув юрларида миллий истиқлол ғоясини ўқитиш янги сифат босқичига кўтарилаётди. Асосий вазифа бу дарс машғулотларини ўқил-қизиларимизнинг маънавий баркамол инсонлар бўлиб етиштирилиш, нави-рон қалбларни ғоявий-маънавий чинқитириб, уларни шу азиз Ватаннинг буюк келажаги учун астойдил курашувчилар этиб тайёрлашга хизмат қилдиришдан иборат.

Жўрабек МУРОДОВ.

ЯНГИ БОСҚИЧ ВАЗИФАЛАРИ

хим аҳамият касб этди. Олий таълим тизимининг бакалаврият босқичида ҳам шу фан ўқитилмоқда. «Миллий истиқлол ғояси» изоҳли-кўргазмали воситалари тўплами тайёрланиб, чоп этилганлиги, кўпгина ўқув кўланмалари яратилганлиги бу фанлар ўқитилишини чуқурлаштириш, ҳар бир мавзунини ўқувчи-талабалар онига сингдиришда ўқитувчи-педагогларга салмоқли ёрдам бўлди.

мактаб бу борада республикада таянч мактабига айлан-ди.

Лекин, бу таълимнинг бугунги ҳолати кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига етарли жавоб бера олмаётганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Кўпчилик ҳолларда шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари янги дастурлар ва кўланмалар асосида ўқитишнинг дастлабки давр якунларини чуқур ўрганиб,

Хотин-қизлар кўмиталарига

ТАРБИЯ — БОШ МАСАЛА

«Қирай туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси» деб ёзиб қўйилган эшикни аста таққиллатдим. Хона соҳибаси бир эркак ва аёл билан гаплашаётган экан. Қўришиб, таққил этилган стужа ўтирдим. Сўхбат давом этди.

— Опахон, жонимдан тўйиб кетдим, — дерди аёл. — Ортиқ бундай эр билан яшайман. Ҳар кунини — жанжал, уради... Йигит эса, икки кўли кўксига:

— Жон опа, тушунтиринг, мен бундай одадларга барҳам бераман. Ажралишмайман. Ахир, ўртада болалар бор, — деб яли-нардди.

Раиса Бибиҳон Шералиева ҳаёл суриб қолди. Нихоят:

— Гап бундоқ, сингилхон, ўйлаб кўринг. Имкони-ятини сиз берасиз. Биз бу ишни кейинроқ кўрамиз, — деди.

Улар бу маслаҳатга кўниб, олдинма-кейин чиқиб кетдиш. Бундай зиддиятли, мулоҳазали вазиятлар хотин-қизлар кўмиталари фаолиятида бот-бот юз бериб туради. Чунончи, шу йилнинг 655 та низоҳ қайд этилди. Афсуски, шу мuddатда 40 та оила ажралиб кетди, никоҳ бекор қилинди.

Тўғри, яраштирув комиссияларимиз муайян иш олиб бормоқда, — дейди туман хотин-қизлар кўмитасининг етакчи мутахассиси Дилором Турсунова. — Қабулимизга келган икки томоннинг ҳам кўнглига йўл топиб, уларга ажралган бир неча оиланинг янги ахволи ҳақидаги мисолларни айтиб, жиддий ўйлаб кўришни маслаҳат берамиз. Шундан сўнг улар ўйлаб қолишади. Ва, кўпинча шу билан турмушлари тинчиб кетади. Орқаворатдан сўраб-суриштирсак, ахил яшаётганликларининг ғувоҳи бўламиз.

Туман хотин-қизлар кўмитаси кенг кўламли иш олиб бораётди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш оилалар тугулигининг асоси ҳисобланади.

Ўрта ва кичик бизнесга қизиқиб қолган аёллар учун туман «Тадбиркор аёл» умумаси «Махалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида беш кунлик ўқув-семинари ташкил қилди. Тадбиркор-

Камолдин АСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТДА: Қирай тумани хотин-қизлар кўмитасининг раиси Бибиҳон Шералиева (ўнгдан иккинчи) фаол аёллар билан сўхбат-лашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Қарор ва ухрор

ҒАЛАЗОР ЯЙЛОВ ЭМАС

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Бунинг учун ким айбдор? Фақат мол эгаларими?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 январдаги «Экинларнинг пайхон қилиниши ва нобуд бўлиш ҳоллари кўпаймоқда. Шу боис ҳукумат қарорида ички ишлар идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлари олди-га экинларнинг пайхон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳини тузиб, жойларда рейдлар ўтказишга киришди. Қишлоқ ҳўжалик экинлари пайхон қилиниши мумкин бўлган жойларда кузатув постлари ташкил этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ликларга нисбатан қатъий талабчанлик қилмапти. Оқибатда ғалла ва бошқа экинзорлар, айниқса, янги барпо этилган боғларнинг пайхон қилиниши ва нобуд бўлиш ҳоллари кўпаймоқда.

Кўрилган амалий чоралар ўз самарасини бермоқда. Экинларни пайхон қилаётган моллар вақтида ушланиб, эгалари аниқла-ниб, тегишли жазо чоралари қўрилимоқда. Жумладан, Қуйичирик туманидаги «Дўстлик» ширкат ҳўжалигининг Қизона қишлоғида яшовчи Валижон Абдуназаровнинг 6 бош қорамоли 13 сотих, Қушек қишлоғида яшовчи Эрали Абдурахмоновнинг 2 бош қорамоли 10 сотих ғалларни пайхон қилган. Юқори-чирик туманидаги «Туркистон» ҳўжалигининг Бирлик маҳалласида яшовчи Назира Мирзаматова ҳам молларини қўшни ҳўжалик ғаллазорида боқ-қилиш одад қилган. Унинг беш бош қорамоли Аҳмад Яссавий номи ширкат ҳўжалигининг 25 сотих

ғалласини пайхон қилган пайтда ушланди. Бўка туманидаги «Ровот» ширкат ҳўжалигида яшовчи Кенжа Эгамбердиевнинг тўрт бош қорамоли ҳўжаликнинг ярим гектар ғаллазорини пайхон этган бўлса, Ғ.Азаматов номи ширкат ҳўжалигида яшовчи Эркин Марамовнинг бир бош-га моли шўнча майдонда-ги бугдойни нобуд қилган.

Бундай мисолларни давом эттиравериш мумкин. Умуман, биргина январь ойининг ўзида виллоят бўйича жами 37 марта экинларни пайхон қилиш ҳолати қайд этилиб, 2,51 гектардаги ғаллазор зарарланганлиги аниқланди. Ажабланирлиси шундаки, виллоят бўйича содир этилган ана шу 37 та пайхон ҳолатининг 28 таси, нобуд бўлган 2,51 гектар ғалла-нинг эса 1,1 гектари Қуйичирик тумани ҳиссасига тушган. Қолганлари

САРМОЯДОРЛАР САЙТИ

Ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсалбанк» ва «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси билан биргаликда Интернетда янги сайт - www.bankinfo.uz ни очди. Жаҳон тармоғидаги бу ахборот-маълумот бўлими банк хизматчилари, иқтисодчилар, инвесторлар ва сармоядорларга мўлжалланган.

Веб-саҳифани тайёрлашда Ўзбекистонда бизнесни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, бозор тузилмасида рўй бераётган ўзгаришлар, уни ривожлантириш истиқболлари инобатга олинди. Сайтда мамлакатимиз банк тармоғининг хорижий ваколатхоналар, жамғармалар, суғурта, лизинг, инвестиция, ҳуқуқий компанияларга кўрсатаётган молиявий хизматлари ҳақида ахборот берилган. Лойиҳани амал-

га оширишнинг муҳим омилларидан бири барча тижорий тақлифдор ҳам-корлар ва миҳозлар орасида дарҳол тарқатилишни таъминлаш ҳисобланади.

Сайтда ахборот тарқатишнинг самарали услублари, шу жумладан форум қўлланган. У муайян мавзудаги муаммоларни муҳокама қилиш учун кенг ишбилармон доираларни жалб этиш имконини беради.

Ў.А.

Жиноят ва жазо

МАҲСУЛОТНИНГ СЕРТИФИКАТИ БОРМИ?

Иқтисодиёт солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини назарда тутди. Шу мақсадда интизомни мустаҳкамлаб, тезкор қидирув-таҳлил ишларини ташкил этиш, энг асосийси, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундиришга доир ишларни амалга оширмоқдими.

Ўтган йил давомида солиқ ва валютга оид 1870 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Шундан 375 та жиноят, қолган 1495 таси маъмурий ишлардир. Жами етказилган зарар, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва молиявий жарималар 5 миллиард 701 миллион 900 минг сўмни ташкил этди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори фаолиятимизни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқаримиз ходимлари 1221 та ана шундай тадбир ўтказиб, шундан 211 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатишди. 1026 ҳолат бўйича маъмурий чоралар қўрилди. Шунингдек, сохта тадбиркорлар томонидан республикамиз ҳудудига олиб киришга уриниш чоғида хорижда ишлаб чиқарилган, божхона тўловлари тўлаганлиги тўғрисида ҳужжатлари бўлмаган, сертификати йўқ 811 миллион сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Чунончи, Янгийўл шаҳри томон келатган КамАЗ 5320 русумли 18 СО 931 давлат рақамли юк автомашинаси Янгийўл тумани прокуратураси ҳузуридида солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди. Юк учун ҳужжатларни тақдим этиш сўралганда Х.Қиличов ва Б. Қурбановлар Тошкент шаҳрига олиб боришга мўлжалланган «мандарин» меваси учун тайёрланган ҳужжатларни кўрсатишди.

Автомобилнинг юк хонаси кўздан кечирилганда эса, акциз маркази тамаки маҳсулотлари борлиги маълум бўлди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз бўлган тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиниб, ҳисобдан ўтказилганда, Ўзбекистон Республикаси акциз маркази билан марказланмаган, Корея Республикасида ишлаб чиқарилган 36 миллион 225 минг сўмлик тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда сотиш учун олиб келишга тегшли ҳужжатлари бўлмаган, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва молиявий жарималар 5 миллиард 701 миллион 900 минг сўмни ташкил этди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори фаолиятимизни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқаримиз ходимлари 1221 та ана шундай тадбир ўтказиб, шундан 211 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатишди. 1026 ҳолат бўйича маъмурий чоралар қўрилди. Шунингдек, сохта тадбиркорлар томонидан республикамиз ҳудудига олиб киришга уриниш чоғида хорижда ишлаб чиқарилган, божхона тўловлари тўлаганлиги тўғрисида ҳужжатлари бўлмаган, сертификати йўқ 811 миллион сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Чунончи, Янгийўл шаҳри томон келатган КамАЗ 5320 русумли 18 СО 931 давлат рақамли юк автомашинаси Янгийўл тумани прокуратураси ҳузуридида солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди. Юк учун ҳужжатларни тақдим этиш сўралганда Х.Қиличов ва Б. Қурбановлар Тошкент шаҳрига олиб боришга мўлжалланган «мандарин» меваси учун тайёрланган ҳужжатларни кўрсатишди.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини четлаб, айланма йўллар орқали чет элларда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати бўлмаган маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб кириш ҳолатлари бўйича фуқаролар йиғинларига мунтазам равишда қонунбузарликни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тадбирномалар киритилмоқда.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА, Акмал АЗЛАРОВ, виллоят прокуратураси ҳузуридида солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг масъул ходимлари.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Сиз Республика Кўчмас мулк биржаси марказий аппарати ва унинг бўлимларида ташкил этилаётган КИМОШДИ, ТАНЛОВ, БИРЖА савдолари, брокерлик идоралари фаолияти ҳақида, РКМБ марказий аппарати ва унинг филиаллари мутахассислари, ходимлари, брокерларнинг фаолиятларини тақомиллаштириш, айрим салбий ҳолатларнинг олдини олиш каби масалалар ҳамда Биржа фаолиятига доир ҳар қандай ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича Республика Кўчмас мулк бир-

жаси марказий аппаратидаги қуйидаги ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИГА мурожаат қилишингизни сўраймиз. ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ: (371) 136-26-26, 136-15-28. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Республика Биржалар маркази биноси, Республика Кўчмас мулк биржаси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси марказий аппарати. Қўшимча маълумот учун телефон: 136-28-75; Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Тошкент виллоят ҳокимлиги Адлия бошқармасида ўрни бўш бўлган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:

1. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимлари учун

Зангиота тумани

1 та ўрин

Аризаларни қабул қилиш мuddати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.

Асосий Конунимизни урганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

103-модда
Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадilar ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардirlар.
Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Қонунда кўрсатилганидек, вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдига ҳисоб беради. Улар Президентнинг жойлардаги расмий вакили ҳисобланадилар.

Ҳокимлар ўзлари томонидан бошқарилаётган органларнинг амалий фаолияти учун шахсан жавоб-

гардирлар.

Ҳокимларнинг ваколат доирасига қуйидагилар кир-
ради:

— мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда вилоят, туман ва шаҳарнинг расмий вакили сифатида ишларни амалга ошириш;
— бошқа ҳудудлар билан шартнома ва битимлар тузиш;
— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг



қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини, Президент Фармонларини, Вазирлар Маҳкамаси ва ўз ҳудудидаги халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;
— инвестиция, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини, валюта жамғармаси лойиҳаларининг бажарилишини, маданий-тарихий ёдгорликларни асра-
раши, табиий ва коммунал

ҳўжалик ресурсларидан кенгрок фойдаланишини, агро-ҳўхит ҳимосини, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлигини, фуқароларнинг соғлигини ҳимоялашни ва ўз ҳудудидаги бошқа вази-
фаларни хал қилишни таъ-
минлаш;
— тегишли ҳудудда амалдаги қонун ва қарор-
ларга зид бўлган барча ҳаракатлар, қорхона, таш-
килот ва жамиятлар, бир-
лашма, ассоциация, шунингдек, қуйи органлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш;
— тегишли ҳудудда ўз ваколат доирасидан келиб чиқиб, барча қорхона, му-
ассаса, ташкилот, бирлаш-
ма, ассоциация, жамият, шунингдек, мансабдор шахсларни ва тегишли ҳудуд фуқаролари учун ба-
жарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш;
— маъмурий ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ри-
вожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чи-
қиш ва уларни тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этиш;
— маҳаллий бюджет кир-
им ва чиқимлари кўрсат-
кичларига аниқлик кирит-
тиш, шунингдек, бюджет-
нинг бажарилиши ҳақида ҳисобот тайёрлаб, Кенгаш

сессияси тасдиғига тақдим этиш;
— ўз муовинларини, ти-
зим бўлимлари раҳбарлари-
ни тайинлаш ва лавозими-
дан озод қилиш, ўз девони-
тизимини тузиб, уларга раҳ-
барлар тайинлаш.

Республика миқёсидаги ҳар бир ҳужжатни жойлар-
да ҳаётга тартибқ этиш ҳо-
кимлар орқали йўлга қўйилади. Ҳоким ўз ҳуду-
дидаги барча ҳудудлар учун
шахсан масъул ҳисоблана-
ди.

Ҳоким муовинларини ла-
возимга тайинлашда ва ла-
возимдан озод қилишда, дав-
лат ижроия муассасалари
раҳбарларини тайинлашда
қўри органлар билан келиш-
ида ва бу масалани сессия
тасдиғига тақдим эта-
ди. Ҳоким, шунингдек, сес-
сиялар ораллиғида вакилик
органлари ваколати доира-
сидаги функцияларни, маса-
лан, раҳбарларни тайинлаш
ва озод қилиш вазифалари-
ни ҳам бажараверади. Шун-
га кўра, бу муддатда вакил-
лик органлари ўзларининг
баъзи бир ваколатларини
бевосита ҳокимлар ихтиёри-
га топширади.

Эргаш САЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғининг
ўринбосари, 2-даражали
адлия маслаҳатчиси.

«Янги дундо Индонезия билан!»

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**«Янги йилни Индонезия билан!» — бу мамлакат элчи-
наси «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» га-
зеталари, «Орият FM» ва «Орият доно» радиостанция-
лари, Ўзбекистон Миллий Қизил Ярим Ой жамияти би-
лан ҳамкорликда шундай шир остида ташкил этган
танловнинг бир неча юз иштирокчиси учун эндиликда Ин-
донезия айлиқса, яқин ва қадрдон бўлиб қолди.**

Уларнинг энг бахтли-
лари — яқуний босқич-
га чиқа олган 35 ишти-
рокчидан 16 киши тан-
лов ғолиби деб топи-
ди. Ғолибларга 14 ян-
варь кун «Буми» меҳ-
монхонасининг мажлис-
лар залида совринлар
топирилди. Уларни
Индонезиянинг Ўзбеки-
стондаги элчиси Хосим
Солех топишди.

— Бирор-бир танлов-
да қатнашмаганим, —
дейди чирчилик муҳан-
дис Сергей Ризозода. —
Лекин Индонезия ҳусу-
сида газетанда эълон
қилинган саволлар
мени ниҳоятда қизиқ-
тириб қўйди. Бу
мўъжизали мамлакат-
нинг тарихи, мадания-
ти, анъаналари
ёшлигимдан қизиқти-
риб келарди. Лекин,
саволларга аниқ-пух-
та жавоблар топишга
урилиб, қанча-қанча
китоблар, маълумот-
номаларни қайтадан
ўқиб қидим...

— Ҳамма саволлар-
га жавобларни Интер-
нетдан топдим, —

дейди танловда биринчи
соврин — уяли телефон-
ни қўлга киритишга му-
ваффақ бўлиб, бир қоп-
чиқ совга олган Светла-
на Апухтина. — Аммо
ғолиб чиқишим мумкин-
лигини ҳаёлимга ҳам кел-
тирмаганим. Буни
қаранг-а, биринчи ўрин-
ни эгалладим!

Тахририятимиз ўтка-
зиб келаятган барча
танловлар иштирокчиси
Лидия Кимга ҳам омад
қулиб бокди. Қўнт ва
сабот унга яна муваф-
фақият келтирди.

Шу оқшом тантана фа-
қат ғолибларга соврин-
ларни топириш билан
чекланмади. Индонезия
элчиси, кечанинг бошқа
қатнашчиларини ёқимили
бир совга қутарди. Асо-
сий иштирокчилари жур-
налистлардан иборат
бўлган ташаббускор бир
гурӯх олис мамлакат халқ
қуйини индонез миллий
музыка асбобида ижро
этди. Бу иштирокчилар-
нинг танлов ташкилотчи-
ларига жавоби эди.

— Саволларга жавоб
излаш жараёнида бами-
соли ўзим Индонезияга
сафар қилгандек бўлдим,
— деди танлов соврин-
дори Ольга Завардина.

Ўз муҳбиримиз.
СУРАТДА: танловнинг
бахтли ғолиблари.



**Тошкентда тиббиёт ходи-
мларининг «Умулраччи ам-
лиятининг бузғунги аҳоли ва
ривожланиш иштиқболлари»**
**маърузида илмий-амалий ан-
жумани ўтказилди.**
Анжуман Ўзбекистон ва Россия
**федерацияси Соғлиқни сақ-
лаш вазирликлари ўртасида**
**2003 йил 2 декабрда имзо-
ланган келишув доирасида**
бўлиб ўтмоқда.

ШИФОКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Анжуманда И.Сеченов
номидаги Москва тиббиёт
академиясининг проректо-
ри И.Денисов сўзга чиқди.
У Россияда умулраччилик
амалиётини ривожлантириш
лаҳидаги маҳаллий Кенгаш-
ларини, шунингдек мамла-
катда соғлиқни сақлаш со-
ҳасида кечаятган ислохот
жараёнлари ҳусусида гапи-
риб берди.

Анжуманда Россия элчи-
хонаси кўмағида «Елатом
асбобсозлик заводи» ОАЖ
да ишлаб чиқарилган физи-
отерапия кабинетлари ва
уй шароитларида фойдала-
ниш учун мўължалланган
иҳкам тиббий ускуна тақди-
моти ўтказилди.

Айтиш керакки, икки мам-
лакат Соғлиқни сақлаш ва

зирликлари ўртасида ҳам-
корлик битими Россия со-
ғлиқни сақлаш вазирлиги
Шевченконинг Тошкентга
ташрифоти чоғида имзоланган
эди. Беш йил муддатга ту-
зилган ушбу ҳужжатда икки
ташкилотнинг мавжуд ало-
қаларини янада ривожланти-
ришга интилишлари ўз ак-
сини топган.

Битимга кўра, айрим ил-
мий тадқиқот институтлари,
марказлар ва клиникалар
ўртасида бевосита алоқалар-
ни кенгайтириш режалашти-
рилмоқда. Ҳамкорлик аҳоли-
га дастлабки ва иҳтисосла-
штирилган тиббий ёрдам
қўрсатиш, профилактика тиб-
биёти, фармация ва тиббиёт
техникаси, санатория муола-
жаси ва реабилитация соҳа-
ларини қамраб олади.

«Туркистон-пресс».



«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР» ЁН ҚУНЛИГИ

**Йўлларда болаларнинг ҳаракатланиш хавфсизли-
гини таъминлаш, улар иш-
тирокчидаги йўл-транспорт**
**ҳодисаларининг олди-
ни олиш мақсадида жорий**
йилнинг 21 январидан 31
январига қадар вилоятда
**«Диққат, болалар» тадби-
ри ўтказилди.**

Ўн кун давом этадиган
тадбирда вилоят ички иш-
лар бошқармасининг йўл
ҳаракати хавфсизлиги бош-
қармаси томонидан бола-
лар билан боғлиқ транс-
порт ҳодисаларининг олди-
ни олиш, қўпол қондабу-
зарликларга чек қўйиш,
серкатнов йўлларда, чор-
рахаларда, болалар муас-
сасалари ёнидан ўтувчи
пиедалар қатнови устидан
назоратни қучатириш
ҳамда йўловчилар хавфсиз-
лигини таъминлаш ишла-
рини қучатириш асосий
вазифа қилиб белгиланди.

Тадбир давомида йўл
ҳаракати хавфсизлиги бош-
қармаси ходимлари ҳамда
қорхона-ташкilotларнинг
мутасадди ходимлари иш-
тирокчида махсус рейдлар
уюштирилди. Шунингдек,
таълим муассасалари қор-
хона ва ташкилотларда
ҳаракат хавфсизлигига оид
суҳбатлар, учрашувлар ва
мусобақалар ўтказиш режа-
лаштирилган.

АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

Меҳр ва муруват йили
муносабати билан шаҳар
ва туманлардаги кам таъ-
минланган оилаларга
ҳомийлар бириктирилмоқ-
да.

Оққўрғон туманидаги 86
та маҳаллада ҳам юзга яқин
ана шундай оилалар аниқ-
ланди. Ширкат ҳўжаликлар-
и ва ҳусусий тадбиркор-
лар бундан бўён уларнинг
аҳолидан мунтазам хабар-
дор бўлиб, ҳар тарафлама
қўмақларни борадилар.

Бу ишлар, айниқса, Уста
Нормат, Сеғизбоев номили
маҳаллаларда аниқ режа
асосида ташкил этилмоқда.

Рустам РАВИШАНОВ.

Фармон ва ижро

Биринчи курснинг илк
семестри имтиҳонларини
топишригач, қишки таъти-
лда уйига, ота-онасини
қўригани борди. Не қўз би-
лан қўрсинки, бир неча
йиллардан бўён йўқ бўлиб
кетган амакиси уйларида
меҳмон бўлиб келган экан.
Амакиси учинчи кун —
уйга қайтишда муддаога
ўтди. У жияни ва унга
ўхшаган йигитларни
тўпалаб, Покистон давлати-
га ўқитиш учун олиб ке-
тишини айтди. Жияни қандай
ўқишлигини сўраганда,
ҳақиқий ислом илмидан
билим олишини таъкидла-
ди. Бу гап-сўзларга Маъ-
муржоннинг ота-онаси ҳам
чипча-чин ишонди. Ке-
тиш кунини белгиллашди.
Тунда йўлга чиқишди.

Яхши ниятли инсон
қоронғуда қўшапалакдек
беркиниб юрмайди. Пана-
пасткам, эгри-бугри
йўллардан давлат чегара-
сига етиб боришганда,
жиян сўради:

— Амаки, қундузи кетсак
бўлмасмики, кечаси шунча
қийналгандан кўра...?

Амакиси жерқиганнамо
жавоб берди.

— Сен боланинг эсинг
жойдаими? Сен чет элга
чиқиб кетаяпсан. Докумен-
талний қўлиб кетаман де-
санг, ҳар хил ҳужжатлар
сўраб, жонингни ҳикмат-
нингга келтиради булар, —
деди амакиси.

Чегарани бузиб ўтаётган-
ларида, чегарачилар улар-
нинг изига тушишди ва
улар қўлга олинди.

Кейинчалик тергов жа-
раёнларида маълум бўли-
шича, Маъмуржоннинг ама-
киси бир неча йилдан бўён
бузғунчи диний гуруҳлар-
даги қидирувдаги жиноят-
чилар рўйхатида турар
экан.

У бир неча бор қарин-
дошлариникига келган, жой-
ларда одамлар ўртасида
тарғибот ишларини олиб
борган. Маъмуржон ҳам
бундай йигитларда ишти-
рок этган, амакиси ўқити-
риш фикрларини тенгдош-
ларига ақказган. Аммо, бу
хатти-ҳаракатларининг ор-
тида нималар қутаётганини
хаёлига ҳам келтирмаган
эди. Маълум бўлишича,
Маъмуржоннинг амакиси
вахобийлик оқимида аъзо
бўлган ва ўзига билдирмай,
жиянини расман бу оқимга
аъзо қилиб қўйган.

Суд жараёнида ана бир
қатор салбий жиҳатлар
аниқланиб, уларга маълум
муддатли қамок жазоси та-
йинланди. Бироқ Маъмур-
жон қануз нима учун бун-
дай бўлганини тушунмасди.

Республиканинг кўзга
қўйрилган динишуослари,
олиму уламоларидан таш-
кил топган ишчи гуруҳ жа-
зони ижро этиш муассаса-
ларида бўлиб, ана шундай
тушуниб-тушунмай бу йўлга
кириб қолган кишилар ора-
сида тушунириш ишлари-
ни олиб борадилар. Улар
кириб борган йўлнинг охи-
ри нима билан туғаша,
охир-оқибат ўз юрти, ўз
(Давоми. Боши 1-бетда).

халқига қўл қўтариши му-
қарраллиги, ҳақиқий ислом
олами, умуман, ўзга экан-
лигини тушутириб берди-
лар. Қутилган натижа ўз са-
марасини берди. Шундаги-
на Маъмуржон, у каби
адашганлар, бу ноқобил
йўлда бир қанча разиллик-
ларга қўл урган қимсалар
ўз хатоларини тушуниб ет-
дилар.

2003 йил 1 декабрь кун
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Ўзбеки-
стон Республикаси Консти-
туцияси қабул қилинганли-
гининг ўн бир йиллиги му-
носабати билан амнистия
тўғрисида»ги Фармони бу
каби адашган, ўз хатосини
тушуниб етган ва танлаган
йўлидан қайтган қимсалар-
ни фаровон ҳаётга, ота-

эканлигини, юртда тинчлик-
хотиржамлик, фаровонлик
бўлиши қайда-ю, тўс-тўпо-
лонли мамлакатнинг кела-
жаги қайда эканлигини ич-
киларидан ҳис этдилар.

Бу маъбуслар озод этил-
ган кунни уларнинг айрим-
лари билан суҳбатда
бўлди.

**Ўзини хоразмлик Фар-
ход Худойбергенов деб**
**таништирган ва ваҳобий-
лик оқими таъсирига ту-
шиб қолган маъбус шун-
дай ҳикоя қилади:**

— Бугун мен танлаган
йўлим қанчалик тубанили-
ни тушуниб етдим. Бу
йўлнинг охири жаҳолат,
аввали қабоҳатдан иборат
экан. Аслида бу йўлга ки-
ришимга қайим Саъдулла
сабаб бўлган эди. Билма-

дим, қай йўл билан қўшни
давлатга чиқиб келди-ю,
ҳаммамизни давлатимизга
қарши тарғибот қила бош-
лади ва бунинг учун ислом-
ни рўқач қилди. Ўзи эса, ас-
лида ҳеч қандай намоз ҳам
ўқимасди. Хар гапнинг би-
рида халифалик тиклашни
кераклигини таъкидларди.
Мен ҳам ўшанинг гапига
лаққа тушибман. Охирини
ўйламабман. Кейинчалик у
мени Покистонга олиб ке-
тишини айтди. Ўша ерда
исломдан дарс оласиз
деди. Лекин, мен кўнма-
ди. Уларнинг максадини
тушуниб етдим. Афсуски,
бу пайтда бироз кеч
бўлганди. Мен аини дамида
барча хатоларимни тан
оламан ва халқимдан, Пре-
зидентимдан, волидамдан

кечирим сўрайман. Чунки,
уларнинг барчалари олди-
да юзим қора бўлган.

Озодликка чиқаётган
Олимжон Саидов эса, ўз
**ҳикоясини шундай бош-
лади:**

— 1972 йил Сурхондарё
вилояти, Сарийосё туман-
идаги Сўфийн қишлоғи-
да туғилганман. Уч нафар
фарзандим бор. Ҳизбут-
таҳрир оқимида кириб
қолган эдим. Билмадим,
ён-атрофимдагиларнинг
ширин сўзига, адовларига
қучдимми, сўқир қабил
шу кўчага кириб қолдим.
Бу йўлда давлатга қарши
даъват қилдим, ўзим син-
гарилар сафимизга қўши-
лишини истадим. Аммо,
бунинг охир-оқибатини

билмасдим ҳам, ўйлама-
дим ҳам. Ростини айтсам,
бу йўлда бирон-бир ман-
фаат кўрмадим. Аксинча
барчанинг олдида уятга
қолдим.

Қамоқхонада эркин
ҳаётнинг, ота-она, туғилиб
ўсган масканнинг қадрини
диддан ҳис этдим. Бу ерда
ярашсини, ҳалол яшашни
ўратишди. Тикувчилик мен
учун ҳозир чўт эмас.

Бугун уйга қайтаман,
аммо қалбимдан бир нидо
қиқади. Ота-онам, фар-
зандларим, аёлим мени
кечирармикинлар? Қишло-
ғи мени қандай қабул
қиларкин? Шуларни ўйла-
ману кирган йўлимга лаъ-
натлар ўқийман.

Янгийўллик Маҳмад-

рижда бу борада амалга
оширилаётган ишларни му-
ҳокама қилардик. Бироқ бу-
тун бошли давлатни оёқ
ости қилиш мумкин эмас-
лигини, халқнинг тинчили-
гини бузиб, ҳеч қандай нати-
жага эришиб бўлмаслигини
тасаввур ҳам қилмасдик ва
бу ҳақда билишни ҳам иста-
масдик.

2000 йилда қилмишлар-
имиз фаш бўлиб, бизга
жазо тайинланди. Жазони
ўташ чоғида турли хил тар-
биявий ишларни олиб бо-
ришди. Бизга диний қараш
деб сингдирилган бузғунчи
тушунчалардан фориғ этиш-
ди. Биз кирган қўчалар
фақат «ботқоқлик», «сасоқ
қўлмақлардан иборатлиги-
ни дин илми нуқтаи назар-
идан илмий асослаб бе-
ришди. Шунда тушундим-
ки, илмни ҳам асл олим-
дан ўрганиш лозим экан.
Чала савод муллаваччалар
эса, ўз бақир-чақирни билан
кишилари жар ёқасига
олиб бориб қўяркан.

— Ўзим ўқитувчиман, —
дейди ҳам фарзанди озод-
ликка чиқаётганидан қувона-
ётган, ҳам ўғли Абдуво-
ҳид Йўлдошевнинг қил-
мишларидан ҳижолат
бўлаятган Азиза Қорабое-
ва. — Ўқувчиларга таълим-
тарбия бериб, фарзанди-
мизнинг юриш-туришларини
гофил қолибмиз. Ким би-
лан ошно тутиндим, деб
сўрамабман. Бугун бутун
Ўзбекистон, қоллаверса Ан-
дизондаги юртдошларим
олдида оиламиз билан мул-
заммиз.

Фарзандим ва ўзим но-
имидан Президентимиздан
ва халқимиздан кечирим
сўраймиз.

— Президентимизнинг
амнистия тўғрисидаги фар-
мони эълон қилингандан
бўён турли хилдаги жино-
ятлар содир этган 200 га
яқин маъбуслар озодликка
чиқарилди, — дейди
Бўстонлик туманидаги То-
воқсий жазони ижро этиш
муассасаси раҳбари Мир-
махмуд Мирзимонов. — Шун-
дан 34 нафари конституци-
явий тузумга қарши чиққан
маъбуслардир. Тўғри, улар-
нинг қўпчилиги ёшлар.
Гўрлик қилиб ваҳобийлик,
ҳизбут-таҳрир деган ноқоб-
ил қўчаларга кириб қолиш-
ган. Улар бугун ўзлари йўл
қўйган хатоларини тушуниб
етдилар. Дин ҳақидаги асл
ҳақиқатни диншунос олим-
ларимиз кўмағида теран ан-
гладилар.

Бугун улар халқимиздан
астойдил кечирим сўрамоқ-
далар ва амнистия тўғри-
сидаги фармон учун Пре-
зидентимизга миннатдор-
чилик билдиришмоқда.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
маҳсуе муҳбири.
СУРАТЛАРДА: Чирчиқдаги
жазони ижро этиш муас-
сасида навобдаси маҳ-
кумларнинг озод этилиш
пайти.

Даврон АҲМАД олган
суратлар.



